«ТАСДИҚЛАНГАН»
**“Пахтакор пахта тозалаш” АЖ**
(эмитентнинг номи)

**Кузатув кенгашининг 2017 йил “ 30 “ 11 даги йиғилиши қарори билан** *(4-сонли баённома)*

**Х.Мамарасулов**
(Кузатув кенгаши раисининг ёки бошқа ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси)

2017 й. 30 11

М.Ў.

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

**Жиззах вилояти Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи**

**М.Шунқаров**

«2» феврал 2018 йил № G 0112-7

М.Ў.

# ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

**“Пахтакор пахта тозалаш” акциядорлик жамияти**
(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

**Идентификация рақами берилди:** RU107G011276

RU207G01127T4

**Номинал қиймати 100 сўмлик 6 494 413 (олти миллион тўрт юз тўқсон тўрт минг тўрт юз ўн уч) дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз оддий ва 5 587 (беш минг беш юз саксон етти ) донаакциялар эгасининг номи ёзилган хужжатсиз имтиёзли акциялар**

**Акцияларнинг ушбу чиқарилиши ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.**
(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши 7 чиқарилишдир.
(чиқарилишнинг тартиб рақами)

**Тасдиқланган: Жамият Кузатув кенгашининг 2017 йил 30 ноябрдаги йиғилиши қарори билан.**
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

**Жамият Кузатув кенгашининг йиғилиши қарори асосида 4-сонли баённома.**
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: **130905, Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Буюк ипак йўли КФЙ, Янгиер кўчаси 1 уй, электрон почта манзилии:** paxtakor.paxta@mail.ru

**Эмитентнинг раҳбари:** **Қ.Жумаев**

**Бош бухгалтер:** **О.Бойбўтаев**

Мухр

**2017 йил “** 30. 12.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий акциялар**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: хужжатсиз

3. Ушбу чикарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 100 сўм

4. Ушбу чикарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 6 500 000 дона, шундан:

**-эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони- 6 494 413 дона;**

**- эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони- 5 587 дона;**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий хажми (сўм): 650 000 000 сўм

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг хуқуқлари:

**-тегишли акциядорлик жамиятининг акциядорлари реестрига киритилиш;**

**-ўзи ҳақида депозитарийдаги депо хисобварағидан кўчирма олиш;**

**-жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;**

**-акциядорлик жамияти тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;**

**-акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш;**

**-акциядорлик жамиятининг уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;**

**-олган дивидендини эркин тасарруф этиш;**

**-давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган органда, шунингдек судда ўз хуқуқларини химоя қилиш;**

**-қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва эмитентларнинг ўқувсиз ёки ғаразли хатти-харакатлари туфайли кўрган зарарнинг тўланишини талаб қилиш;**

**-ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;**

**-қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эхтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш хуқуқига эга.**

**-жамият уставида ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа хуқуқларга хам эга бўладилар.**

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишишга нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги хар қандай чеклашлар: **Жамият уставида ва чиқарилиш тўғрисидаги қарорда ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишишга нисбатан чеклашлар ўрнатилмаган.**

**Ушбу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади, бунда хар бир акциядорга унга тегишли акциялар билан бир типдаги акциялар, унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади;**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 650 000 000 сўм

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган холда кўрсатилади):

**Жамиятнинг илгари жойлаштирилган акциялари жами 6 500 000 дона, шундан 6 494 413 дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз оддий ва 5 587 дона эгасининг номи ёзилган хужжатсиз имтиёзли акциялардан иборат.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари буйича тақсимланган холда кўрсатилади): облигациялар чиқарилмаган

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): **Мазкур чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Бунда акциялар уларни Марказий депозитарий томонидан хисобга қўйиш (капитализация) операцияси амалга оширилади ган кун холатига хар бир акциядорнинг унга тегишли**

**бўлган хар бир дона акциясига 1:1 коэфицентда таксимлаш оркали жойлаштирилади;**

*(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).*

11.2. Ушбу чикарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

**Ушбу чиқарилишдаги акциялар акцияларнинг чиқарилуви тўғрисидаги қарор Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармасида давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 30 кун давомида жойлаштирилади.**

*<u>Жойлаштиришни бошлаш санаси:</u>* **Акцияларнинг чиқарилуви тўғрисидаги қарор Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармасида давлат рўйхатидан ўтган сана;**

*<u>Жойлаштиришни тугатиш санаси:</u>* **Ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган сана, лекин акцияларнинг чиқарилуви тўғрисидаги қарор Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармасида давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 30 кундан кечикмасдан.**

*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.*

11.3. Ушбу чикарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

**Мазкур чиқарилувдаги акциялар уларни Марказий депозитарий томонидан ҳисобга қўйиш (капитализация) операцияси амалга оширилаётган кун ҳолатига ҳар бир акциядорнинг унга тегишли бўлган ҳар бир дона акциясига 1:1 коэфицентда тақсимлаш орқали жойлаштирилади;**

**Акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозорида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузмасдан амалга оширилади. Қимматли қоғозларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилинмайди.**

*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.*

*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:*

*тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*

*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргачи томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.).*

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати):

**Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларининг ҳисобини юритиш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.**

**Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат унитар корхонаси ҳақида маълумот:**

Тўлиқ номи: **Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси давлат корхонаси;**

Ташкилий-ҳуқуқий шакли: давлат унитар корхонаси;

Жойлашган жойи - **100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 уй;**

Почта манзили – **100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 уй, телефон: 236-14-34, Факс: 233-13-57.** e-mail: info@deponent.uz, вэб манзили: **www.deponent.uz.**

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: **Ушбу чиқариладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш кўзда тутилмаган.**

*(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).*

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: **Мазкур чиқарилган акциялар номинал қийматда, яъни 100 сўм нархда жойлаштирилади;**

*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

*Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуққуқа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).*

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

**Ушбу чиқарилувдаги акциялар учун тўлов жамиятнинг ўтган 2004-2013 йиллардаги фойдаси-ўз капитали ҳисобига амалга оширилади, жумладан:**

| т/р | Йиллар | Тақсимланмаган соф фойда миқдори сўмда | Шундан, ушбу чиқарилув акциялари учун тўланадиган фойда миқдори |
|---|---|---|---|
| 1 | 2007-2014 йилларнинг соф фойдаси | 465 686 500 | 465 686 500 |
| 2 | 2015-2016 йиллар яуни бўйича | 556 461 100 | 184 313 500 |
| | Жами: | 1 022 147 600 | 650 000 000 |

**Ушбу чиқаришдаги акциялар учун тўланадиган маблағлар бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар амалга ошириш орқали жамият устав фондига ўтказилади.**

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши: Ушбу акциялар **чиқарилиши умумий сонининг 100 % дан кам қисми жойлашган тақдирда ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилади.**

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: **Акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар тўлови учун йўналтирилган маблағлар чиқарилув амалга ошмаган деб топилган санадан бошлаб ўн кундан ошмаган муддатда, бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар амалга ошириш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда қайтарилади.**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: **Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот матни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидагича ошкор қилинади:**

**- Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг сайтида (www.openinfo.uz);**

**- “Пахтакор пахта тозалаш” АЖнинг расмий веб-сайтида (www.paxtakorpaxta.uz ).**

**Қўшимча акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси билан Жиззах вилояти, Пахтакор тумани, Буюк ипак йўли ҚФЙ, Янгиер кўчаси, 1-уйда танишиш мумкин.**

**Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор нусхаларини манфаатдор шахслар жамиятга ёзма мурожаат қилиб олишлари мумкин.**

13. Бошқа маълумотлар.(*Эмитент хоҳишига кўра қўшимча изоҳ сифатида берилади*)